

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ
ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ**

Қарши шаҳри

2023 йил 7 ноябрь

Қашқадарё вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясида раислик қилувчи М.Астанов, ҳайъат аъзолари судьялар М.Бозоров ва Ҳ.Турсуновдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Б.Холмуродовнинг котиблигида, Қашқадарё вилоят прокурори катта ёрдамчиси Д.Кўчқарова, “Оқсарой кластер” масъулияти чекланган жамияти вакиллари Н.Қурбонов, Д.Тошевнинг (ишончнома асосида) иштирокида, Яккабоғ туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 21 февралдаги ажримига нисбатан Яккабоғ туман прокуратураси томонидан келтирилган апелляция протестини видеоконференцалоқа режимидаги (Яккабоғ туманлараро иқтисодий судининг кўмаклашувида) очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Яккабоғ туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши “Ака-ука Нормуродовлар” фермер хўжалиги манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Оқсарой кластер” масъулияти чекланган жамиятидан 209 968 000 сўм асосий қарз, 41 993 600 сўм жарима, 16 797 440 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2023 йил 21 февралдаги ажримига асосан тарафлар ўртасида тузилган келишув битими тасдиқланиб, иш юритиш тугатилган.

Яккабоғ туман прокуратураси томонидан келтирилган апелляция протестида суд томонидан ажримни қабул қилишда давлат божини ундиришда хатоликка йўл қўйилганлиги қайд этилиб, ушбу ажримнинг давлат божи ундириш қисмини қонунга мувофиқлаштириш сўралган.

Суд мажлисида иштирок этган Қашқадарё вилоят прокурори катта ёрдамчиси апелляция протестини қўллаб-қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

“Оқсарой кластер” масъулияти чекланган жамияти вакиллари апелляция протести юзасидан қонуний қарор қабул қилишни сўрадилар.

Суд мажлиси тайинланган кун ва вақти ҳақида ажрим нусхаси Кенгаш ва даъвогарга етказилган бўлсада, суд муҳокамасида уларнинг вакили иштирок этмади.

Мазкур ҳолатда судлов ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (кейинчалик матнда ИПК деб юритилади) 274-моддасига асосан ишни уларнинг вакили иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.



Судлов ҳайъати апелляция протестида келтирилган важларни иш ҳужжатлари билан бирга ўрганиб чиқиб, муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра апелляция протестини қаноатлантириб, ажримнинг давлат божи ундириш қисмини ўзгартиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 55-моддасининг учинчи қисмида ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланиши белинган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, низо юзасидан тарафлар ўртасида 2023 йил 20 февралда тузилган келишув битими суднинг 2023 йил 21 февралдаги ажрими билан тасдиқланган ва низо бўйича иш юритиш тугатилган.

Келишув битимида 2022 йил ҳосилидан топширилган пахта хом-ашёси ва тўлаб берилган дастлабки якуний тўлов ўртасидаги фарқ суммаси 147 975 206 сўм эканлиги, ушбу қарздорлик 2023 йил 15 мартга қадар тўлаб берилиши, даъво талабида сўралган 41 993 600 сўм жарима, 16 797 440 сўм пеня ундириш қисмидан фермер хўжалиги воз кечиши назарда тутилган.

Ажримга асосан “Оқсарой кластер” масъулияти чекланган жамиятидан республика бюджетига 3 196 264 сўм давлат божи ундирилган.

Бироқ, биринчи инстанция суди давлат божи ундиришда хатоликка йўл қўйган.

Чунки, “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра иқтисодий судларга бериладиган мулкӣ хусусиятга эга даъво аризаларидан даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваридан кам бўлмаган миқдорда давлат божи тўланиши лозим.

ИПКнинг 118-моддасига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик шахслар ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи манфаатлари кўзланиб даъво тақдим этилган шахслардан даъво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади.



Ушбу ҳолатда биринчи инстанция суди асосий қарздорлик 147 975 206 сўм бўйича жавобгардан 2 959 504 сўм давлат божи, даъвогардан эса асосий қарзнинг қолган асоссиз қисми (61 992 794 сўм х 2% = 1 239 855 сўм) ҳамда даъво талабининг воз кечилган (41 993 600 сўм жарима, 16 797 440 сўм пеня + 58 791 040 х 2% = 1 175 820 сўм) қисми бўйича 1 175 820 сўм, жами 2 415 675 сўм давлат божи ундириши лозим эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 19 декабрдаги “Иқтисодий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида”ги 36-сонли Қарори 17-бандида, давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар юридик шахслар ва фуқароларнинг манфаатида киритган даъво аризалари (аризалари) кўрмасдан қолдирилганда ёки иш юритиш тугатилганда давлат божи манфаати кўзланиб даъво киритилган даъвогарлардан ундирилиши қайд этилган.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати апелляция шикоятда келтирилган важларни асосли деб ҳисоблайди ва уни қаноатлантиришни лозим топади.

ИПКнинг 66-моддасига кўра иш бўйича далиллар ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган тартибда олинган фактлар ҳақидаги маълумотлар бўлиб, улар асосида суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди. Бундай маълумотлар ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, мутахассисларнинг маслаҳатлари (тушунтиришлари), гувоҳларнинг кўрсатувлари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари билан аниқланади.

Мазкур Кодекснинг 281-моддасига мувофиқ апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қарори, ажрими устидан берилган шикоятни (протестни) кўриб чиқиш натижалари бўйича қарорни, ажримни ўзгаришсиз қолдиришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 19 декабрдаги “Иқтисодий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида”ги 36-сонли қарори 20-бандига асосан судларга тушунтирилсинки, давлат божи билан боғлиқ масалалар бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан умумий асосларда шикоят (протест) берилиши мумкин. Агар апелляция, кассация ва назорат шикояти берилганда суд ҳужжатининг фақат ундириш ёки ундиришни рад этиш қисми шикоят қилинаётган бўлса, давлат божи низолашилаётган суммадан келиб чиқиб ҳисобланади, 30-бандига кўра суд харажатларининг тақсимлаш масаласининг ҳал этилмаслиги ёхуд нотўғри ҳал этилиши суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилишга ёки ўзгартиришга асос бўлмаслиги, бундай ҳолда апелляция инстанция суди қарорнинг хулоса қисмида суд харажатларини ИПКнинг 118-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича янгидан тақсимлаш ҳақида кўрсатилади.



Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати апелляция протестини қаноатлантиришни, биринчи инстанция суди ажримнинг давлат божи ундириш қисмини ўзгартиришни, ажримнинг “жавобгар “Оқ сарой кластер” масъулияти чекланган жамиятидан республика бюджетига 3 196 264,44 сўм давлат божи” ундириш қисмини “жавобгар “Оқ сарой кластер” масъулияти чекланган жамиятидан республика бюджетига 2 959 504 сўм давлат божи ундирилсин” деб ўзгартиришни ҳамда “Ака-ука Нормуродовлар” фермер хўжалигидан республика бюджетига қўшимча равишда 2 415 675 сўм давлат божи ҳамда суд харажатларини ундиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 66, 118, 278-280-моддаларига асосланиб, судлов ҳайъати

қ а р о р қ и л д и:

Яккабоғ туман прокуратурасининг апелляция протести қаноатлантирилсин.

Яккабоғ туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 21 февралдаги ажримнинг давлат божи ундириш қисми ўзгартирилсин.

Ажримнинг “жавобгар “Оқ сарой кластер” масъулияти чекланган жамиятидан республика бюджетига 3 196 264,44 сўм давлат божи” ундириш қисми “жавобгар “Оқ сарой кластер” масъулияти чекланган жамиятидан республика бюджетига 2 959 504 сўм давлат божи ундирилсин” деб ўзгартирилсин.

“Ака-ука Нормуродовлар” фермер хўжалигидан:

- Республика бюджетига ишни биринчи инстанция судида кўриш билан боғлиқ 2 415 675 сўм давлат божи;

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди депозит ҳисобрақамига 82 500 сўм суд харажати;

- Яккабоғ туман прокуратураси фойдасига 33 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ажримнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Қарор бўйича ижро варақалари берилсин.

Яккабоғ туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 23 мартдаги 3 196 264,44 сўм давлат божи ундириш ҳақидаги ижро варақаси бекор қилинсин.

Қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради.

Мазкур қарордан норози томон Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация тартибида шикоят (протест келтириши) бериши мумкин.

Раислик қилувчи

М.Астанов

ҳайъат аъзолари

М.Бозоров

Ҳ.Турсунов

